



2,4

МИЛЛИОНТА ХОНАДОНГА ЭГАЛИК ХУҚУҚИ БЕРИЛАДИ

Ҳисоб-китобларга кўра, республикада **2,4 миллион**та хонадоннинг эгалик ҳужжати йўқ. Уларнинг кадастр ҳужжати қилинса, одамларга ҳуқуқий, иқтисодий замин бўлади.

Давлатимиз раҳбари 27 октябрь куни ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматларини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Унда ҳужжатсиз уй-жойларга эгалик ҳуқуқини бериш бўйича қонун лойиҳасини якунига етказиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, аҳоли узоқ йиллардан буён уй-жой сифатида фойдаланиб келаётган, лекин ҳужжатда қишлоқ хўжалиги ерлари бўлиб қолаётган 817 минг гектар ерни хатловдан ўтказиб, ер тоифасини ўзгартириш таклифи билдирилди.

Бу кўпчилик аҳолининг узоқ йиллик муаммоси ечимига хизмат қилади.



ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 октябрь куни геология ишларини кенгайтириш, фойдали қазилмаларнинг истиқболли конларини аниқлаш ва ўзлаштириш режаларига бағишланган тақдирот билан танишди.

Тақдиротда соҳада қилинган ишлар, фойдали қазилмаларни аниқлаш ва ўзлаштиришга хорижий ҳамкор ва инвесторларни жалб қилиш режалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ҳисоботни тинглаб, келгуси йилда геология-қидирув соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Ҳозирча 72 медалга эгамиз

Ханчжоу шаҳрида ўтаётган **IV Параолимпий ўйинлари** ўзининг қизғин палласига кирмоқда. Мазкур баҳсларда Ўзбекистон делегацияси **24 та олтин, 23 та кумуш ва 25 та бронза** жами 72 медал жамгарган ҳолда умумжамоа ҳисобида **8 ғоғонада** бормоқда.



Фахр

«БУ ЗАМИН МЕН УЧУН ҚУТЛУФ»



«Болаларим ва набираларимга Ўзбекистон ҳақида кўп гапирман. Уларга қўлларини кўксига қўйиб, «Ассалому алайкум» дейишни ўргатганман. Ижтимоий тармоқлар орқали Ўзбекистондаги янгиликларни кузатиб бораман. Ўзбек тилини унутиб юбормаслик учун ўзбекча фильмларни томоша қиламан. Кўпинча турли тадбирларга бу ердан олиб кетган миллий либосларни кийиб бораман. Танишларимга, гўзал мамлакатда ўқиганман, ишлаганман, бағрикенг, меҳмондўст одамлар орасида яшаганман, деб фахрланиб юраман».

Ёқут аёли Саргиланининг сўзларини гурур билан тингладик. Россиянинг Саха шаҳрида (Ёқутистон) яшовчи Саргилана Багинанова ўтган асрнинг 80-йилларида Тошкентдаги олийгоҳни татомлаб, йўлланма билан Сардоба тумани кутубхонасида иш фаолиятини бошлади.

Аслида ёқут қизи йўлланма бўйича икки йил ишлаб, сўнг юртига қайтиб кетмоқчи эди. Лекин у чўлликлар билан қадрдонлашиб, тиллашиб, шу ерда бир неча йиллар яшаб, меҳнат қилди. Кейинчалик туман ҳокимлигига масъул вазифага ўтди. Шу тарихи Саргилана сирдарёликка айланди-қолади...

1992 йили Саргилана она-онанининг қистови билан она юртига қайтиб кетди. Оила кўрди, фарзандлар кўрди. У касбини ўзгартирди, яъни ёшлигидан орзу қилган журналистика соҳасида фаолият олиб борди ва ҳамон ишлаб келмоқда. Ёқут аёлининг юртимизга меҳри, она тилимизга хурмати бўлакча.

Яқинда С.Багинанова бир гуруҳ ёқутистонлик журналистлар билан Ўзбекистонга келди. Бу гал қизи Иванна ҳам онасига ҳамроҳ бўлди.

— Бу замин мен учун қутлуф жой саналади. Иккинчи қизимга ўзбекининг хассос шоираси Зулфияxonим исмини қўйганман, — дея ҳаяжон билан туйғуларини баён этди у.

Саргилана Багинанова ўзбек тилида равон гапирди. У Ўзбекистонни иккинчи Ватаним, деб билади. Тарихий шаҳарлар Самарқанд ва Бухородаги, ёшлиги ўтган Сардобадаги улкан ўзгартирилган ҳақида Ёқутистон Республикасидаги «Кыым», яъни «Учкун» газетасида туркум мақолалар эълон қилмоқчи экан. Биз ўзбек тилини ардоқлаётган ҳамкасбимизга ижодий парвозлар тиладик.

Холида ПАРДАБОВА

MNP UZBEKISTAN Mobile Number Portability

MNP ХИЗМАТИ

оператор ўзгаради, аммо рақамлар ўз шаклини сақлаб қолади

Ўзбекистонда мобиль алоқа тармоқларида абонент рақамини кўчириш хизмати (MNP) ишга туширилди.

Тизимнинг қулайлиги шундаки, эндиликда абонентлар мобиль алоқа операторларининг хизмат кўрсатиш сифатига қараб исталган компанияни танлаши мумкин.

Ҳозир Ўзбекистонда **Beeline, Mobi.uz, Ucell, UZTELECOM, Numans** каби **5 та мобиль алоқа оператори** фаолият кўрсатади. Агар хизматдан фойдаланиб, мобиль алоқа оператори ўзгартирилса, кўчирилган рақамлар ўз шаклини ва кўринишини сақлаб қолади.



СТАТИСТИКА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларига кўра, **2023 йилнинг 1 октябрь ҳолатига** республикамизнинг доимий аҳолиси

36 599 764

кишини ташкил этган.

Республикамизнинг доимий аҳолиси сони ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда **2,2 фоизга** ошган.

Мамлакатимиз аҳолиси **2023 йил бошидан** буён **574,8 минг** кишига кўпайган.

Яъни ҳар бир ойда ўртача **63,9 минг** кишига ошган.

Ҳар бир кунда эса доимий аҳоли сони ўртача **2,1 минг** кишига кўпаймоқда.



Яна ортга сурилаётган кутилмалар

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

1211

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



ҚОНУННИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

Мастураҳон Шералиева Андижон тумани ҳокимлигида котиба лавозимида бинойидек ишлаётганди. Унга меҳнат шартномаси муддати тугаши сабабли ишдан бўшатилгани ҳақидаги буйруқни қўлига тутқазилганида ажабланди.

Ҳолбуки, 2023 йил 30 апрель кунига қадар амалда бўлган Меҳнат кодексининг тегишли моддасига кўра, муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши билан бекор қилинади. Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса, тарафлардан ҳеч бири бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

Котиба ушбу ҳаракатдан норози бўлиб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашига мурожаат қилди. Ўз навбатида, вилоят кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бош мутахассиси Муҳамадали Куббиев мурожатчи номидан фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Суд даъвои қаноатлантириб, ҳоким буйруғини бекор қилди. Ко-

тиба фойдасига мажбурий бекор юрган кунлари учун 13 миллион 765 минг 630 сўм иш ҳақларини ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Кўпинча қонунларни билмаслигимиз ёки андиша сабаб ҳуқуқ ва манфаатларимиз поймол бўлиши мумкин. Бундай пайтда касба уюшмалар сизнинг манфаатларингизнинг ишончли ҳимоячиси эканини ҳеч қачон унутмайлик.

Севара ҲОШИМОВА,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси



Халқаро анжуман



Қозғоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида «Шарқий Европа ва Марказий Осиёда иқлим ўзгариши ва адолатли ўтиш масалаларида касба уюшмаларининг ҳаракатлари» мавзусида тўрт кунлик минтақавий семинар бўлиб ўтди.

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ
АФЗАЛЛИКЛАРИ

Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси делегацияси иштирок этди.

Халқаро меҳнат ташкилоти масъулари, Қозғоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Қирғизистон касба уюшмалари миллий марказлари вакиллари ҳам қатнашган анжуманда яшил иқтисодиётга ўтишнинг афзалликлари ҳамда адолатлиги ҳақида атрофлича сўз борди. Шунингдек, халқаро меҳнат нормаларининг яшил иқтисодиётга жалб этилиши муҳокама қилинди.

Қатор халқаро экспертларнинг яшил иқтисодиётга ўтишнинг адолатли тамойиллари борасидаги маърузалари барчада катта қизиқиш уйғотди. Ушбу экологик моделнинг ҳудудий, миллий ва глобал даражадаги аҳамияти ўрганилиб, зарур кўрсатмалар берилди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

Фарғона
вилояти

Тошлоқ тумани Хонариқ қишлоғида 4 минг 294 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрь кунги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 1,7 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. 1 та сув иншооти қурилди. Шунингдек, 5 км. ички йўللارга шағал ётқизилди.

Ўрганишлар давомида «Аёллар дафтари»га киритилган 132 нафар оила бекасининг 113 нафари ишсиз сифатида қайд этилган бўлса, қисқа вақт ичида уларнинг 107 нафари иш билан таъминланди. Маҳаллада яшовчи 6 нафар аёлга субсидия асосида тикув машинаси берилди.

– Сабзавотчилик маҳалламизнинг драйвери сифатида белгиланган, – дейди «Хонариқ» МФЙ раиси Рўзбой Мирзаев. – Ҳозирда айти йўналишда ҳар бир оила билан ишлаб, томорқадан унумли фойдаланиш ва шу орқали қўшимча даромад манбаини яратиш борасида изчил саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Сурдарё
вилояти

ҲАЁТБАХШ ҲУЖЖАТ МОҲИЯТИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сурдарё вилояти кенгаши томонидан ўтказилган навбатдаги «Маънавият соати»да 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар аниқ ва лўнда белгилаб берилган стратегиянинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

Вилоят кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Ширинхон Умаралиева стратегияда белгилаб берилган устувор йўналишлар барча соҳа вакиллари, шунингдек, тадбиркорлар учун шарт-шароит яратиш, янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, ислохотларни жаддалаштиришга кўмаклашиш борасида барчанинг зиммасига улкан вазифалар юклатилиши таъкидлади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассис Санжар Тоғаев стратегиянинг асосий ғояси хусусида сўз юритди.

Маълумки, стратегияда 5 та йўналиш бўйича 100 та мақсад назарда тутилган. Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, бир сўз билан айтганда, ҳамма яхши нарсалар инсон ва унинг манфаатларига йўналтирилган.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Тарғибот



Сўранг, жавоб берамиз

БОЛА
ПАРВАРИШИДА
ИШ ЖОЙИ
ҚАНЧА МУДДАТ
САҚЛанаДИ?

САВОЛ: Ходим фарзандли бўлгандан сўнг болани парваришlash таътили олиб икки-уч йил мобайнида ишга чиқмаса, иш жойи сақланиб туриладими?

Ҳабиба РАҲИМОВА
Избоскан тумани

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 405-моддасига кўра, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин, аёлни хоҳишига кўра, унга икки ёшга тўлгунча қадар болани парваришlash таътили берилиб, бу давр учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунча қадар уни парваришlash учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча таътил ҳам берилмайди.

Болани парваришlash таътиллари боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани ҳақиқатда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам, шунингдек, васийси ҳам тўлиқ ёки қисмларга бўлиб фойдаланиши мумкин.

Аёл (ёки отаси ва юқорида кўрсатиб ўтилган бола парваришига алоқадор бошқа шахслар) хоҳишига кўра, болани парваришlash таътили вақтида тўлиқсиз иш вақти шартлари асосида ёки иш берувчи билан келишув бўйича уйда ишлаши мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Болани парваришlash таътиллари даврида ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллarning кўпи билан олти йили меҳнат стажига қўшилиди, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшиб ҳисобланади.

Келгусидаги йиллик меҳнат таътилин олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига, агар жамoa шартномасида, шунингдек, ташкилотнинг ички ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, болани парваришlash таътиллари вақти киритилмайди.

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими

Жиззах
вилояти

Жиззахда «Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмалари ташкилот ва муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Тармоқ ходимлари касба уюшмаси вилоят бирлашган ташкилоти томонидан уюштирилган тадбирда спорт, мусиқа ва санъат мактаблари, маданият бўлимлари ҳамда тармоққа тегишли бошқа бошланғич ташкилотларнинг касба уюшма раислари ҳамда меҳнат-муҳофазаси бўйича масъул ходимлар қатнашди.

Ўқув-семинарда касба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналиши бўлган меҳнат муҳофазасини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсияларнинг аҳамияти ва уларни амалда қўллаш ҳақида касба

МУНОЗАРА МАВЗУСИ –
МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

уюшмалари Федерацияси вилоят кенгаши мутахассисларининг маърузалари тингланиб, муҳокама қилинди. Шунингдек, тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тайёрланган услубий тавсиялар тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

– Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратнинг шакли ва услубларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқараётир, – деди Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси А.Умаров. – Иқтисодий муносабатлар-

даги ўзгаришлар жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш фаолиятини самарали амалга ошириш мақсадида Республика кенгаши томонидан услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу касба уюшмалари ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишидаги фаолиятини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Иштирокчилар амалий аҳамияти катта бўлганини эътироф этган ўқув-семинар савол-жавоблар, мунозаралар билан бой тарзда кечди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



Ўқув-семинар

Тошкент
вилояти

Ички туризм

Ангрен Иссиқлик электр станцияси касба уюшма қўмитаси томонидан корхонанинг 50 нафар ишчи-ходими учун Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди.

ГЎЗАЛ КЕНТ
ҲАЙРАТЛАРИ

Ходимлар тарихий обидаларнинг гўзаллиги ва ўзига хошлигини фахр ва зўр ҳаяжон билан кўздан кечиришди.

– Йил бошидан буён «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шiori остида кўпгина ходимларимиз Хоразм вилоятининг Хива шаҳри, Тошкент шаҳри, Самарқанд каби тарихий шаҳарларга, шунингдек, театр ва концерт томошаларига юборилди, – дейди «Ангрен ИЭС» касба уюшма қўмитаси раиси Яйра Агзамова. – Корхонамиз касба уюшмаси ташаббуси билан ҳар бир байрам ва тарихий саналар уюшқоқлик билан ўтказилади. Хусусан, байрам дастурхонлари ташкил қилиниб, ижтимоий ғимояга муҳтож-ходимлар, кесалар ва соҳада узоқ йиллар фаолият юритган ходимларга эҳтиром кўрсатилади.

Ўтган даврда 7 нафар ходим ижтимоий суғурта ҳисобидан, 9 нафар ходим аъзолик бадаллари ҳисобидан юртимизнинг «Чортоқ», «Турон», «Зомин», «Чимён», «Оқтош» ва бошқа сиҳатгоҳларда саломатликларини тикладилар. «Коинот», «Угам» оромгоҳларида жами 39 нафар ходимнинг фарзандлари соғломлаштирилди.

Шаҳноза МАҲМУДОВА,
«Ангрен ИЭС» касба уюшма
қўмитаси ходимаси

Конференция

ЁШ ОЛИМЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касба уюшма қўмитаси ва Ёш олимлар кенгаши ҳамкорлигида «Янги Ўзбекистон фани ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни» мавзусида ёшлар конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар, замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарурлиги, бу бизга юқалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини бериши, зеро бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технология-

лари чуқур кириб бораётгани эътироф этилди.

Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев ушбу тадбир яқинлашиб келаётган 11 ноябрь – Ўзбекистон касба уюшмалари кунини арафасида ташкил этилаётгани билан

ҳам катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

350 нафардан зиёд ёш олимлар иштирок этган анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлинган ҳолда мунозараларга киришишди.

Анжуман якунида «Энг яхши мақола», «Энг яхши тақдимот», «Энг яхши инновацион ғоя» ва «Энг яхши ишланмалар» номинацияси ғолиблари сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Саид ГУЛЯМОВ,
ЎФА Ёш олимлар кенгаши раиси



Яна ортга суриллаётган

КУТИЛМАЛАР

**ёхуд Марказий банк раиси
5 фоизлик инфляцион
таргетга эришиш
2026 йилгача чўзилишига
ишора бермоқда**

**ДАСТАБ МАВЗУГА АНИҚЛИК
КИРИТАМИЗ.** Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 ноябрдаги «Инфляцион таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сис-татини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони мувофиқ, 2021 йилда инфляция даражаси 10 фоизга пасайиши, 2023 йилга келиб эса мазкур кўрсаткич 5 фоизи ташкил этиши керак эди.

2019 йилнинг ноябрь ойида Марказий банк томонидан ташкил этилган йиғилишда юқоридаги мақсадга эришиш учун барча зарур чораларни кўриши ваъда берилган эди.

Мутасаддилар ўшанда жорий этилаётган янги усул аҳолига фойда келтириши, соддароқ айтганда, сўмнинг қадри тикланиб, йилдан-йилга ортиб бориши, натижада нақд пулни валюта кўринишида сақлашга ҳожат қолмаслиги ҳақида ишонч билан айтишган эди.

БУГУНГИ ВАЗИЯТ. 26 октябрь куни Марказий банк ОАВ ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этди. Йиғилишда кўплаб иқтисодий масалалар таҳлил қилинди. Жумладан, Марказий банк бошқаруви раиси асосий ставка йиллик 14 фоиз даражасида ўзгартирилганлиги айтиб ўтди.

Шунингдек, 5 фоизлик инфляцион таргетга эришиш даври 2026 йил якунигача чўзилиши мумкинлигига ишора берилди.

Буни Мамаризо Нурмуродов куйидагича изоҳлади:

Дўппини бошдан олиб... Мазкур масалага жиддийроқ назар ташлашимиз. 5 фоизлик инфляцион кутилмалар чиппака чиқди, яъни амалга ошмади. Сўмимиз долларга нисбатан кескин қадрсизланиб кетди. Хуллас, ваъда ба-жарилмади. Айтилган гаплар унутилди. Сабаб ва оқибатлар хаспўшланди.

мева-сабзавотлар ва тартибга солинадиган нархлар ўзгартиришининг умумий инфляциядаги ҳис-саси ортиси» каби омиллар баҳона қилинди.



Бу сафар ҳам худди ўша галдагидек, «Умумий инфляция йил бошидан пасаявчи динамикада шаклланиб, охириги чорақда 9,2 фоизгача тезлашган. Марказий банк инфляция ўсишининг таркибий омиллари қаторида озиқ-овқат нархларининг 11 фоизгача тезлашиши,

Аслида биз ваъдалар берилган аввалги даврда ҳам бунга шубҳа билан қараган эдик. Чунончи, ўттиз йил давомида 10-15 фоиз орасида юрган инфляцион кутилмалар 4-5 йилда бирданига 5 фоизга тушиши – булутсиз осмондан ёмғир кутишдек гап эди-да.

2020 йилдан бошлаб, инфляциянинг пул-кредит сис-татини қоритишда ҳамда инфляцион таргетлаш режимида мавзуга янги режими иш бошлади. Ушбу итти-фациянинг даражаси белгиланган мувофиқ инфляция даражаси 10 фоизга пасайиши, 2023 йилга келиб эса 5 фоизлик доимий инфляцияга эришиши мумкин.

Бир ҳафтада бунга ишончи келиши ҳар қачон кўраб ўтиш йил давомида 10-15 фоизлик инфляциянинг пул-кредит сис-татини қоритишда ҳамда инфляцион таргетлаш режимида мавзуга янги режими иш бошлади. Ушбу итти-фациянинг даражаси белгиланган мувофиқ инфляция даражаси 10 фоизга пасайиши, 2023 йилга келиб эса 5 фоизлик доимий инфляцияга эришиши мумкин.

**Қайта
молиялаштириш
ставкаси
олти ойдан сўн- пасайди(ми)?**

Молиялаштириш ставкаси қандай бўлади? Ушбу саволга жавоб қилишда, молиялаштириш ставкаси олти ойдан сўн пасайди(ми)?

**ШУ ДАВРГАЧА БИЗДА
ПУЛНИНГ НАРХИ
НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ**

Молиялаштириш ставкаси қандай бўлади? Ушбу саволга жавоб қилишда, молиялаштириш ставкаси олти ойдан сўн пасайди(ми)?

Молиялаштириш ставкаси қандай бўлади? Ушбу саволга жавоб қилишда, молиялаштириш ставкаси олти ойдан сўн пасайди(ми)?

Молиялаштириш ставкаси қандай бўлади? Ушбу саволга жавоб қилишда, молиялаштириш ставкаси олти ойдан сўн пасайди(ми)?

Молиялаштириш ставкаси қандай бўлади? Ушбу саволга жавоб қилишда, молиялаштириш ставкаси олти ойдан сўн пасайди(ми)?

Молиялаштириш ставкаси қандай бўлади? Ушбу саволга жавоб қилишда, молиялаштириш ставкаси олти ойдан сўн пасайди(ми)?

Молиялаштириш ставкаси қандай бўлади? Ушбу саволга жавоб қилишда, молиялаштириш ставкаси олти ойдан сўн пасайди(ми)?

Молиялаштириш ставкаси қандай бўлади? Ушбу саволга жавоб қилишда, молиялаштириш ставкаси олти ойдан сўн пасайди(ми)?

Молиялаштириш ставкаси қандай бўлади? Ушбу саволга жавоб қилишда, молиялаштириш ставкаси олти ойдан сўн пасайди(ми)?



ЯНГИ СПИКЕР БАЙДЕНДАН ХАВОТИРДА

АҚШ Вакиллар палатаси спикери Майк Жонсон президент Жо Байденнинг хатти-ҳаракатларида когнитив функция заифлашаётгани кўзга ташланаётганини айтди.

«Қўриб турибман, менимча, бунга кўпчилик кўряпти. Бу ёш билан боғлиқ масала... Бу ҳақорат эмас, балки айни ҳақиқат», – деди у Fox News телеканалига берган интервьюсида.

Республикачи Жонсон демократ Байденнинг хатти-ҳаракатларида когнитив функцияларнинг заифлашганини кўряпти, деган саволга шундай жавоб берди. У сайловда ғалаба қозонгач, Палата раҳбари сифатида Оқ уйга ташриф буюриб, Байден билан суҳбатлашганини таъкидлади. «Биз 15-20 дақиқа ёлғиз гаплашдик», – деди Жонсон.




«Биз кўп масалаларда келиша олмаيمиз... Менимча, бу ўта муваффақиятсиз президентлик», – деди у. Жонсон АҚШ ҳукумати иерархиясида учинчи ўринни эгаллаган спикер лавозимига 25 октябрь куни, Вакиллар палатасининг собиқ раҳбари Кевин Маккарти истеъфога чиққанидан уч ҳафта ўтиб сайланган эди.

ХИТОЙ ВА АҚШ: МАНФААТЛАР МУШТАРАКМИ?

Ўзаро келишмовчиликларга қарамай, Хитой ва АҚШ мулоқотни талаб қиладиган кўплаб муҳим умумий манфаатларга эга, дея баёнот берди Вашингтонга ташриф буюрган Хитой ташқи ишлар вазири Ван И.

АҚШ Давлат котиби Энтони Блинкен билан учрашувдан аввал журналистлар саволларига жавоб берар экан, Ван И шундай деди: «Келишмовчиликлар бор, лекин айни пайтда ўта муҳим умумий манфаатларимиз ҳам йўқ эмас ва биз биргаликда ҳал этишимиз керак бўлган муаммоларга дуч келямиз. Шунинг учун Хитой ва Қўшма Штатлар мулоқотга киришиши керак». Вазирнинг сўзларига кўра, Ванг И Вашингтон сифари чоғида АҚШ президентининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Жейк Салливан билан ҳам музокара ўтказди. Кўпгина нашрлар Ван Ининг музокаралари ва учрашувларини АҚШ президенти Жо Байден ҳамда Хитой раҳбари Си Цзинпин ўртасида ноябрь ойида Сан-Францискода бўлиб ўтadиган Осие-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги саммити доирасида эҳтимолли учрашувга тайёргарлик кўриш билан боғляпти.



Жиззах вилояти

Болажонлар нега боғчага интилмақда?

- Ойи, боғчага бораман!
 - Бугун дам олиш кuni-кy, болам.
 - Йўқ, дам олиш кuni бўлса ҳам боғчага бораман, – оёқ тираб олди болакай.
- Қаршимда келаётган она-боланинг суҳбатини эшитиб, беихтиёр қувониб қўйдим...**



...Мамлакатимизда сўнги йилларда мактабгача таълим тизимида катта эътибор қаратилляпти. Давлат хусусий шерикчилик асосида ва хусусий боғчалар ишга тушаётир. Бугунги кунда биргина Жиззах вилоятидаги мактабгача таълим ташкилотлари 1325 тани ташкил этмоқда. – Боғчамиз мослаштирилган бинода жойлашган бўлиб, узоқ йиллар таъмирланмаган эди, – дейди Зомин туманидаги 2-ДМТТ директори Муқаддас Ҳайдарова. – Шу йилнинг бошида 8 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган 270 ўринли муассасамиз ҳозирда тўлиқ қувват билан ишламоқда. Болажонлар билан машғул ўтказётган тарбиячиларимиз олий маълумотли мутахассислар. Сирдан ўқитган ходимларимиз ҳам оз эмас. Ментал арифметика, инглиз тили, бадий гимнастика, мусиқа, тасвирий санъат каби тўғарақлар мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда туман марказидан узоқ жойлашган қишлоқларда ҳам боғчалар барпо этиляпти. Тумандаги Қарапчи қишлоғида «Дўстлик» номли 9-ДМТТ қурилади. Унда 120 нафар ўғил-қиз тарбияланиб, мавжуд 4 та гу-

руҳда қатор машғулотларда қатнашляпти. – Бизларда ҳам боғча қурилиб, набираларимиз яйраб-қувнаб юришларини орзу қилар эдик, – дейди Аллаёр бобо. – Сир эмас, қишлоқ болалари ёзда чанг, қишда лойга ботиб ўйнаб таскин топишарди. Мана, орзуимиз ушалди. Набираларимизнинг боғчага бораётганидан бошим осмонга етмоқда. МТМларга кўрсатилаётган методик хизматларнинг сифати ҳам тубдан ўзгармоқда. Такомиллаштирилган «Илк қадам» дастури асосида таълим ва тарбия ҳаётга татбиқ этиляпти. – Мавжуд 5 та марказ – қуриш ва ясаб, конструкциялаш ва математика, тил ва нуқ, илм-фан ва табиат, санъат, сюжетли ролли-сахналаштириш тўғарақлари болажонлар ихтиёрида, – дейди «Ёрқин-Чулдуз-Бойчечак» давлат хусусий шерикчилигидаги НМТТ методисти Роза Шарафутдинова. – Машғулотлар чоғида ўғил-қизлар истаган марказда фаолият олиб бориши мумкин. Тарбиячилар уларни назорат қилиб, йўл-йўриқлар кўрсатади. Дарс ва машғулотлар эркин фаолият орқали амалга оширилади. – Болалар таълим ва тарбиясига мамлакатимизда устувор вазифа деб қаралмоқда, – дейди вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи, сенатор Санобар Суярова. – Хусусан, 2030 йилгача вилоятимизда 400 та давлат ва нодавлат МТТ қурилади. Қамров ҳозир 76 фоизни ташкил этган бўлса, йил охиригача 78 фоиз, 2030 йилга бориб эса 100 фоизга етади. Кадрларимиз салоҳиятини ошириш мақсадида улар сиртки таълимга жалб этилмоқда. 6-7 ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлаш мақсадида мажбурий тайёрлов гуруҳлари ташкил қилиняпти. Олис қишлоқ ва овулларда мактаблар қошида ана шундай гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилади. Юртимизда мактабгача таълим тизимида сифат ва самардорлик кўрсаткичлари йил сайин ошмоқда. Ота-оналар ва тарбияланувчилар учун маъқул бўлган янгиликлар жорий этиляпти. Бу эса болажонларнинг ҳатто дам олиш кuni ҳам боғчага боришини кўмсаетганлиги нечоғлиқ табиий бир ҳол эканлигини тасдиқлаб турибди.

Мактабгача таълим

Абдусаттор СОДИҚОВ, журналист

Эълон
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги КҚТ ва МОМда қайта тайёрлаш курсини 2016 йил битирганлик тўғрисида Юсупов Уткур Камилевич номига берилган ҚТ 033599-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.



Тошкент вилояти
Нурафшон шаҳрида ташкил этилган «Сен кучлисан» ижтимоий лойиҳаси доирасидаги расмлар кўргазма-сида қатнашдим. Икки кун ўтказилиши режалаштирилган кўргазмада гематологик ва онкологик касалликлар билан курашаётган болалар чизган расмлар намойиш этилди.



Эзгулик

Ҳаёт сувратлари

Битта расм эътиборимни кўпроқ тортди. Хуллас, катта оқ қоғозга ўн уч нафар бемор боланинг рангли бўёқларга ботирилган кафти босилган. Ташкилотчи аёл бу кафтлар эгаларининг фақатгина биттаси тирикчилигини, у айни пайтда оғир дард билан курашаётганини айтганида вуждим музлади. Юрагим йиғлади...

Ҳар бири ўзгача маҳорат, завқ билан чизилган расмларга турли номлар берилган: «Таскин», «Меҳрибон мактаб», «Бахтли болалик», «Сен кучлисан» каби. Ташкилотчи рабган маълумотга кўра, шу кунгача 800 дан ортиқ расмларни чизган болаларнинг ярми орамизда йўқ экан...

Лойиҳани шу йилнинг август ойида бошланган эдик, — деди «Сен кучлисан» лойиҳаси асосчиси Маржона Нурмухаммедова. — Биринчи ойдаёқ расмлар 15 миллион сўмга сотилди. Лойиҳа молиялашга, болаларнинг ҳар бири ижоди учун ҳақ ола бошлади. Ана шунда уларнинг руҳиятида бошқача ўзгаришлар содир бўлди. Бу уларнинг борган сари расм чизиш маҳорати ошиб боришига туртки берди. Сентябрь ойидаги кўргазмада эса, 45 миллион сўмлик расмлар сотилди.

Кўргазма шартларига кўра, расмларга ҳеч қандай нарх белгиланмади. Ҳамма иштирокчи истаган нархда сотиб олиши мумкин. Тадбир сўнггида кимосида савдоси ташкил қилинади. Ушунда кўнглили инсонлар ижтимоий ҳолати оғирроқ болалар чизган, нисбатан профессионал ёндашилган расмларни кўтарган нархига сотиб олади. Ташкилотчиларнинг болалар билан алоҳида келишувлари бор экан. Яъни, кимосида савдосида сотилган расмлардан тушган маблағларнинг тенг ярми муаллифга, ярми эса расмлари сотилмай қолган болаларга тақсимлаб бериларкан. Бундан келиб чиқадик, тадбирда қатнашган ҳар бир бола пул билан мукофотланади. Ҳаттоки, чизган расми сотилмаса ҳам. Мана бунани унинг хаёли дард билан эмас, ижод билан, яхши кайфият билан банд бўлишига туртки бўладиган ажойиб усул дейиш мумкин.

Маълум бўлишича, гематологияда даволанаётган Қодирберди исмли боланинг иммун тизими жуда паст бўлган ва у муолажалар толиқтирганидан, телефонга мурожаат қилинганда, боланинг расм чизишга катта иқтидори борлигини билишган. Биринчи ойда унинг расмлари 2 миллионга сотилади. Кейинги ойда 2 ярим миллионга. Ҳозир шу бола бир-биридан бетакрор асарлар яратяпти ва телефонга умуман қарамай кўйган.



Шифокорларнинг айтишича, уч ой давомида у 80 фоизга тузалган. Руҳиятидаги ижобий ўзгаришлар сабабли унинг иммун тизими кучайган. Бола айни пайтда тез соғаймоқда.

— Биз Бухоро шаҳриданмиз, — дейди 12 ёшли бемор қизалоқнинг онаси Диляфруз Йўлдошева. — 2022 йилнинг май ойида қизим мана шу дардга йўлиқди. Унинг орқа миясида ўсимта бор экан. Кейин унда жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Шу кунгача қизим 9 босқичли кимётерапия усулидаги муолажаларни олди. Ҳар бир амалиётда таназида кучли оғриқлар бўлади.

Боламнинг бардосига ҳайрон қолман (кўзлари ёшланди)... Расмларни чизиш тадбирида қатнашишни бошлаганида унинг қўллари яхши ишламасди. Лекин вақт ўтиб, қўллари анча ҳаракатга келди, ҳозир ажойиб расмлар чизяпти, турли бисерли безаклар ҳам ясапти. Кўтаринки руҳдаги тадбирлар, сотилган расмлари ва тақинчоқларидан тушган пуллар унинг янада кўпроқ ижод қилишига туртки бўляпти. Ҳозир қизимнинг соғлиғида ижобий ўзгаришлар бор. Энди яна бир босқичли муолажадан кейин кетамиз. Шу билан ҳар икки-уч ойда шифокорга кўришиб турсак бўлди, дейишди.

— Мен 17 ёшдан, Самарқанд шаҳридан келдим, — дейди Ақобир Тоҳиров. — Аввалига касаллик сезилмади. Кейинроқ соғлиғимда муаммолар бўлавергач, шифокорга кўриндим. Улар шу дардга йўлиққанми айтишди. Мана икки ойдан буён муолажаларни оляпман. Ўзим санъатнинг мақом йўналишида таҳсил оламан. Расмлар чизиш тадбири менга жуда ёқди. Ҳар бир чизган расмимда асосан, бетакрор тарихимиз, санъатимиз, удулларимизни акс эттираман. Кўшиқ айтишни яхши кўраман, шеърлар ҳам ёзаман. Бундай кўргазмалар кўпроқ бўлишини истардим. Сабаби, бу бизларга тузалишимиз учун катта ёрдам беряпти, ҳаётга, яшашга умид уйғотяпти.

Маълум бўлишича, ўзини-ўзи молиялаштираётган ушбу лойиҳа сабабли ҳозирда унинг доирасида 30 нафар кўнглили бирлашган. Улар орасида турли касб эгалари, жумладан, журналистлар, шифокорлар, актёрлар ҳам бор.

Тадбирда болалар ўзларининг бошқа истеъодларини ҳам намойиш қилишди: кимдир қўшиқ айтди, кимдир шеър. Муҳими, уларнинг кайфиятлари аъло эди...

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»

МАЪЛУМОТ УЧУН, ИККИ КУН ДАВОМ ЭТГАН КЎРГАЗМАДА ҚАРИЙБ 45 МИЛЛИОН СЎМЛИК РАСМЛАР СОТИЛДИ. ЭНДИ УШБУ МАБЛАҒЛАР ИШТИРОКЧИ БОЛАЛАРГА ТАҚСИМЛАБ БЕРИЛАДИ. ЛОЙИҲА «СЕН КУЧЛИСАН» НОМИ ОСТИДА [HTTPS://T.ME/SENKUCHLISANM](https://t.me/senkuchlisanm) ТЕЛЕГРАМ КАНАЛИ ОРҚАЛИ ҲАМ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. УШБУ КАНАЛДА БЕМОР БОЛАЖОНЛАР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА УЛАР ЧИЗГАН РАСМЛАРНИНГ ОНЛАЙН САВДОСИ ҲАМ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН.

Орамиздаги одамлар

ИСТАРАЛИК ЎРОЛ ҲАЙКАЛТАРОШ

Азим Ҳусанов ва Ўнғал Маматқулова узоқ йиллар да-дада меҳнат қилишди. Ҳаргиз қўлларидан кетмон тушмади. Катта оилани ҳалол пешона тери эвазига тебратиб, 8 ўғил, 3 қизни воёга етказишди. Барчасини одоб-ахлоқли ва меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашди.

Тўғри, ўртада Азим ака бир муддат ҳайдовчилик, Ўнғал опа фермада сут соғувчилик қилди. Кейинчалик ижарага ер олиб, оилавий пудрат асосида деҳқончилик билан шуғулланишди. Пахта, ғалла, пилла ва полиз маҳсулотлари етиштиришди.

Эр-хотин ўзаро маслаҳатлашиб, фермер бўлишни ҳам мулжаллашганди. Аммо унинг минг бир машаққатлари, хатто, ўзига хос «уйинлари» ҳам бор экан. Энг ачинарлиси, 2010 йили Азим ака вафот этди. Ўша кезлари тўнғич фарзандлари оилани бўлишганди. Қолганларини тарбиялаб, уйли-жойли қилиш эса Ўнғал опа билан катта акалар ва опалар гарданига тушди.

Оиланинг энг кенжаси Ўрол Ҳусанов 1986 йили туғилган. У болалигиданоқ тенгдошларидан ўйчанлиги, вазмин-босиқлиги ва яна бошқа жиҳатлари билан ажралиб турарди. Дардан бўш



вақтлари қўй-қўзиларни боқар, ариқ ва зовур бўйларига лойдан хонаки жониворлар, қушлар ва ҳар хил иморатлар шакл-шамойилини ясар эди. Кейинчалик инсонлар ҳайкалини яратишга одатланди. Шунданми, ўзининг киндик қони томган Қизирқ туманининг Истара қишлоғидаги ўрта мактабнинг 9-синфини битиргач, Термиз санъат коллежиди ўқий бошлади.

— Биринчи устозим бадий безакчи-рассом, асли шерободлик бўлган Жума Ҳамидов эди, — деб эслайди Ўрол Ҳусанов. — У киши «Истара» давлат ҳўжалигида мусаввир бўлиб ишлар ва мен сингари санъатсевар ёшларга ҳафтада икки марта машғулот ўтарди. Иккинчи устозим тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси Мамаражаб Самадов бўлди. Мен ундан қоғоз-қалам ва ранг-бўёқ билан ишлашни ўргандим. Шунингдек, Илҳом Жабборов ва Нортажи Миртожиевдек машҳур санъат усталаридан ҳам озми-кўлими сабоқ олдим, бирга меҳнат қилиб, соҳа сир-асрорларини кунт билан ўзлаштирдим...

Ўрол Ҳусанов коллежни тугатгандан сўнг дастлаб Термиз шаҳридаги ўғил болалар турк лицейида, Термиз маиший хизмат



кўрсатиш ва сервис, Шеробод алоқа касб-хунар коллежларида ўқувчиларга сабоқ берди. Кейинчалик халқ таълими бўлимида фаолият юритди.

У яратган санъат асарларини ҳозир Сурхон воҳасининг барча гушаларида учратасиз. Жумладан, «Surxondaryo viloyati» ёзуви битилган, вилоят ҳудудида кичир-кичик жойига ўрнатилган бадий безакли стела ҳам унинг муаллифилигида яратилган. Миллий қахрамонимизнинг Бой-устиди кўйи боқиб эттиҳа

тив буюмларга ва деворларга чизган суратларга боқсангиз, барчаси худди тирикдек кўз ўнги-гинида гавдаланади. Турли жониворлар, йиртқич ҳайвонлар, паррандаю даррандалар, ўсимликлар, қолаверса, инсон тасвирлари, замину осмон акс этган амалий санъат асарларини кўриб, Ўрол Ҳусанов ноёб истеъдод соҳиби эканлигига тан берасиз. Буюк алломаларимизнинг у ясаган бюстлари ва ҳайкаллари олдида ҳайратингиз янада ошади. Шунингдек, от, шер, кийик, айик, лайлак, панда, йўлбарс, бургут, ҳумо қўшининг улкан ҳайкаллари сизга битмас-туганмас маънавий озуқа беради.

Ўролнинг қўлида жило топан қўлаб катта-кичик ҳайкаллар, санъат маҳсулотлари воҳадаги олий ва ўрта таълим муассасалари, мактаблар, боғчалар, ижтимоий соҳа объектиларини безаб турибди. Унинг қалб кўри ва заҳматли меҳнатлари эвазига яратилган ижодий ишлар ҳар йили ўтказиладиган Наврўз ва Мустақиллик байрамларида ҳам кенг намойиш этилади.

Қолаверса, рассом уларни интернет ва телеграм ижтимоий тармоқларига жойлаб боради. Эҳтимол, шунданми, бу асарларнинг харидорлари ҳам, буюртмачилари ҳам кўп.

Ўрол Ҳусанов охириги йилларда туман ва вилоят миқёсидаги кўрик-танловларда тадбиркор-санъаткор сифатида қатнашиб, бир неча бор ғолибликни қўлга киритди. Айни дамларда эса навбатдаги йирик лойиҳа устида ишламоқда. Аникроги, ўзи яшаётган туман логотипини яратмоқда.

Яна бир гап. Ўрол баракали ижод қилиш баробарида 10 нафар маҳалладошини доимий иш билан таъминлаган. Уларнинг баъзилари 5 миллион сўмгача миқдорда оилак маош олишади.

— Аслида шогирдларим йигирма нафардан кўп, — дейди Ўрол Ҳусанов. — Ҳозирча ярмидан ортининг қўли ишга анча келишиб қолган. Мен Азизбек, Сардор, Алпомиш Азимовлар, Жума ва Рўзи Ҳусановлар, Ҳудоёр Ибрагимов, Ниёзбек Эшниезов, Юсуф Бакиров сингари санъатсевар ёшларга қўлимдан келганча касб ўргатяпман. Умида, Зиннур ва Солиҳа исмли қизларим ҳам шогирдларимга қўшилиб, лойдан ажиб нарсалар ясаляпти. Эҳтимол, улар ҳам менинг изимдан бориб, келажакда санъаткор бўлиб етишишар...

Чори ЖУМАҚУЛОВ «ISHONCH»

Деярли барча соҳада бўлгани каби тиббиётда ҳам техникаларга «қулоқ» сола бошлаганимизга анча бўлди. Шу маънода, УТТ текшируви ҳам бизга бегона эмас. Лекин баъзан «УТТда уч марта текширганидаям ҳомилани қиз дейишганди, адашишган экан, ўғилли бўлдим» ёки «ўт қопимда УТТ текширувида учта тош бор дейилганди, операцияда хирург битта тош олиб ташлади» каби гап-сўзларни эшитамиз. Баъзида эса, бутунлай аксинча фикрларни айтишади: «Яхшиям УТТда текширтирдим, бўлмаса, касаллик авж олиб кетаркан».

Ана шундай гапларга оидинлик киритиш мақсадида, қарийб ўттиз йилдан буён Тошкент тиббиёт академиясида УТТ текширувида ишлаб келаётган тажрибали мутахассис, шу мутахассислик бўйича номзодлик ишини ёқлаган Мамаражаб ХУРРАМОВнинг фикрлари билан қизиқдик.

УТТ ТЕКШИРУВИГА ИШОНСА БЎЛАДИМИ?

— (УЗИ) УТТнинг яхши ва ёмон томонлари борми?
— УТТ бемордаги касалликларни аниқлашда шифокорга кўл келади. Ушбу текширувнинг биргина салбий томони шуки, ҳомиладорлик даврида кўп текширувдан ўтишни тавсия қилмайман. Унинг ривожланаётган болага яхши ёки ёмон оқибатлари ҳақида тўлиқ маълумот берилмаган, лекин ҳомиладор аёллар ўрнатилган тартибда ва оралиқда УТТдан ўтишлари керак.

— Нега айнан шу соҳани танлагансиз?
— Энди ишни бошлаган вақтимда УТТ ривожланаётган даврлар эди. Тўғри, бугунги кунга келиб, МРТ, МСКТ ва КТР каби текширувлар анча ривожланди. Аммо УТТ текшируви биринчи ва хавфсиз текширув усули саналади.

— УТТдан қанча вақтда такрор ўтса бўлади?
— Бу саволга айнан текширувни тавсия қилаётган мутахассис-жавоб бериши керак. Чунки улар учун беморда қачон ва қандай ўзгаришлар кузатилаётгани ҳақидаги янги маълумотлар жуда муҳим ҳисобланади ва шунга қараб текширув тавсия қилинади.

— УТТда қайси аъзоларни текширса бўлади?
— Умумий текширувдан: жигар, ўт қопи, ошқозон ости беши, талоқ, буйрак, қовуқ, простата беши, аёллар жинсий аъзоси, ба-

чадон ва тухумдонлар, ҳомила, эркалар жинсий аъзоси, оёқ қон томирлари доплер (триплекс), бўйин томирлари (БЦФ) доплерографияси, Эхо КГ. Шунингдек, лимфа безлар, сўлак безлари доплерографияси. Ҳозирги кунда 3Д, 4Д ва эласто-графиялар рўйхатлар сонини яна кенгайтиради.

Аслида, УТТ аппаратлари 3 гуруҳга бўлинади: паст, ўрта ва юқори сифатли. Бу уларнинг танадаги аъзоларни аниқроқ кўришига қараб белгиланади.

— Қандай ҳолатларда УТТ текширувидан ўтиш мумкин эмас?
— Беморнинг аҳволи меъёрга бўлмаса ёки аҳволи оғир бўлса, УТТ текшируви мумкин эмас.

— Қайси касалликлар ёшаряпти?
— Минг афсуски, кўпроқ аёллар орасида миома ва варикоэ касалликлари, эркаларда эса инфаркт миокарди, қон босими кўтарилиши ва қандли диабет аввалги йилларга нисбатан анча ёшарган. Шифокорларнинг ҳаммаша берадиган тавсияси шуки, қайси давр, қайси ёшда бўлишингиздан қатъи назар саломатлигингиз ўз қўлингизда.

Сўхбатдош: Зиеда РАЖАБ қизи

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2020-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqsim SHOSILOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati — (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati — (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
S.Abdurahmonov

Musahhihlar:
D.Xudoyberganova,
D.Ravshanova

Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 00:10
Topshirildi — 00:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taqob.
Buyurtma 583
Nashr ko'rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 30344
16331 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonani manzili:
Samarqand shahri,
Spitamen ko'chasi, 270-uy.